O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 18 май, чоршанба • № 40 (11.739) • Эркин нархда сотилади

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. У Андижонда одамлар ўлимига сабаб бўлган фожиали воқеаларга, улар юзасидан бошланган тергов ишларининг боришига бағишланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров матбуот анжумани қатнашчиларига 13 май куни Андижонда рўй берган воқеалар ва улар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Одамлар қурбон бўлишига олиб келган бир қатор террорчилик ҳаракатлари, ваҳшийларча босқинчиликлар содир этилди. Оқибатда 169 киши ҳалок бўлди. Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, уюшган жиноий гуруҳлар тузиш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, гаровга олиш, қонунга хилоф равишда ўқотар қуролларини, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини қўлга киритишга оид моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилди. Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат тезкор тергов гуруҳи тузилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 81 жиноятчи қўлга олинди. Қўлга олинган ва ҳалок бўлганларнинг 50 таси Ўзбекистон фуқароси эмаслиги аниқланди. Қўлга олинганларнинг 5 нафари Қирғизистон фуқароси бўлиб чиқди, яна иккита шу мамлакат фуқаросининг жасади топилди. Уларнинг ушбу террорчилик ҳаракатида иштирок этгани маълум бўлди.

Тергов маълумотларига кўра, босқинчилар учун қурол-аслаҳа улар ҳужум бошлашидан анча олдин четдан келтирилган. Жиноятчилар хорижда ишлаб чиқарилган ва рақамлари ўчирилган автоматлар, тўппончалар ва снайперлик милтиқлари билан қуролланган. Бу қуролларнинг қаердан келтирилганлигини аниқлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Қуролли ҳужум давомида террорчилар жами 305 дона қурол-аслаҳани, шу жумладан 205 та автомат ва 100 та тўппонча, 231 та граната ва бошқа қуролларни қўлга киритган.

Бугунги кунга келиб жиноятчилар эгаллаб олган қуролларнинг ярмидан кўпи, шу жумладан 128 та автомат ва 24 та тўппонча қайтарилди.

Террорчилар қамоқдан ноқонуний озод қилганлардан 309 шахс жазони ўташни давом эттириш учун ихтиёрий равишда қайтиб келди. Кўрилган чоралар натижасида 14 маҳбус қамоққа қайтарилди. Қидирув ишлари давом этмоқда.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари эътиборини баъзи оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари нохолис талқин этилаётганига, бирёқлама баҳоланаётганига қаратди. Айрим оммавий ахборот воситаларида авж олган кампаниябозлик расмий тергов хулосалари маълум бўлмасдан туриб, одамлар онгида муайян тасаввур яратишдан, гўёки Андижонда тинч аҳоли ўққа тутилгани ҳақидаги уйдирмаларни тарқатишдан бошқа нарса эмас, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай оммавий ахборот воситаларининг вакиллари «тинч намойиш» қатнашчилари дея таърифлаётган кимсалар яхши қуролланганини, ҳарбий қисмга ҳужум қилганини, хунрезликлар содир этганини, террорчилар ва қотилларни озодликка чиқариб юборганини негадир «унутиб қўйишаётгани»дан таассуф билдирди.

Одамларни гаровга олишни, бегуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни «тинч намойиш» деб аташ мумкинми? Шу ўринда халқимизнинг «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар», деган мақоли эсга тушади, деди Президентимиз.

Ислом Каримов қатъий таъкидладики, бўлиб ўтган воқеаларнинг тинч намойишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақиқий террорчилик ҳаракатидир. Андижонда бирон-бир тинч аҳоли қурбон бўлгани йўқ. 500 киши ҳалок бўлгани ҳақидаги гаплар – уйдирма ва воқеликни атайлаб бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Аёллар, қариялар, болалар ҳалок бўлганини кўрганлар борми? Агар бўлса уларни ким номма-ном айта олади? Операция давомида фақат жангарилар ўлдирилди. Ҳар бир мурданинг ёнидан қурол топилди. Уларнинг шахси ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан аниқланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳатто Ўзбекистонга дўст деб аташ қийин бўлган ўнлаб таниқли сиёсатдонлар ҳам бу борада ўз фикрини билдираётганида воқеаларни холис баҳолашга интилганини таъкидлади. Шундай экан, ҳар бир журналист ўзининг асосий бурчи ва вазифаси – доимо фактларга таяниб ишлаш эканини унутмагани маъқул. У ўзи тарқатаётган ахборот учун шахсий масъулиятни чуқур ҳис этса, ўшанда ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

Журналистларнинг ўша куни Андижонга сафарига монелик қилган ягона сабаб шуки, деб таъкидлади Ислом Каримов, шаҳарда отишмалар бўлаётган, босқинчилар хуружи авж олган бир вазиятда ҳеч ким журналистларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга жазм этолмасди. Ахир биз сизнинг хавфсизлигингиз учун жавобгармиз.

Тадбирда 18 май куни дипломатлар ва журналистлар учун Андижонга махсус авиарейс ташкил этилиши ҳақида маълум қилинди.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

**ЎзА.**

**Бобом Иккинчи жаҳон урушидаги қонли воқеаларни бошдан кечирганлар. Бизга ҳам ўша даврнинг мудҳиш воқеаларини «ибрат» бўлсин деб сўзлаб берадилар.**

# ЁШЛАР ҲУШЁР БЎЛСА

Мен бобом гапларини таҳлил қилиб, она-Ватан туйғуси, тинчлик, осойишталик ва хотиржамликнинг қадрини чуқур идрок этаман. Республикамизнинг Андижон вилоятида 13 май куни юз берган аянчли воқеаларни эшитиб, улар ким томонидан содир этилгани ҳақида хабар топганимда, ич-ичимдан эзилдим. Наҳотки, аёллар, болалар ва қариялар панасида қабиҳ уринишларини амалга оширмоқчи бўлган ўша нобакорлар юртни шу тариқа олиш мумкин деб, ўйласалар? Умидлари пуч уларнинг. Азал-азалдан бизнинг халқимиз тинчликсевардир. Шунинг учун мен барча талабалар номидан бемалол айта оламан: «Ўзбекистонимиз тинчлигини ҳеч ким буза олмайди, бузишга кучи ҳам етмайди». Мен тенгдошларим ва барча каттаю кичикни ҳушёрлик ва зийракликка чорлайман. Президентимиз атрофида жипслашиб ҳаракат қилайлик, шундагина, бундай қора ниятлилар она-Ватанимиз тинчлигига раҳна сола олмайди. Биз каби ёшлар ўйнаб-кулиб билим оламиз, оилаларимиз ҳам тинч бўлади.

**Шерзод ШУКУРОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети 1-босқич талабаси.**



*СУРАТДА: бош пудратчи Икромжон Дўстматов механизатор Абдурашид Маматқулов билан культивацияни сифатли ўтказиш ҳақида маслаҳатлашмоқда.*

# МЕҲНАТДАН КЕЛАЁТГАН ДАРОМАД

## деҳқонларни моддий манфаатдорлик ва иштиёқ билан ишлашга руҳлантирмоқда

Моддий манфаатдорлик, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Меҳнатдан барқарор даромад келиб турса, деҳқон рағбату иштиёқ, кўтаринки руҳ ва яхши кайфият билан ишлаб, ҳосилдорликни ошириб, маҳсулот таннархини арзонлаштириб бориш ҳаракатида бўлади. Бошқача қилиб айтганда, моддий манфаатдорлик — иқтисодий самарадорликнинг бирламчи омили.

Бекобод туманидаги «Хос» ширкат хўжалиги раҳбар ва мутахассислари, энг муҳими эса, оддий пудратчилар ҳам муқим даромад хўжалик иқтисодий салоҳияти ривожининг ва аъзолар турмуш фаровонлигининг асоси эканлигини ўзларининг кейинги икки-уч йиллик фаолиятларида яққол кўрмоқдалар. Чунончи, ўтган йили ғалладан 71 миллион, пахтадан 260 миллион сўм даромад кўрилди. Соф фойда 52 миллион сўмдан ошди. Хўжаликнинг ички кам-кўстларини тўлдириб бориш имкониятлари анча кенгайди. Ўтган йили ВТ-100 ҳайдов трактори олинган бўлса, бу йил яна битта янги Т-4 трактори қўшилди.

Меҳнатдан келаётган даромаднинг асосий қисми аҳоли турмуш шароитини яхшилашга сарфланмоқда. Бугунги кунга келиб, қишлоқдаги 1300 хонадоннинг ҳаммаси тўлиқ газлаштирилди. Аҳоли саломатлиги учун хизмат қилаётган қишлоқ врачлик пункти бир миллион сўм сарфлаб, мукаммал таъмирланди. Ҳар йили йўллар имконият даражасида тартибга келтириб борилмоқда. Айниқса, электр, газ ва ичимлик сув тармоқлари хизматидан фойдаланганлик учун тўловларни хўжалик томонидан марказлаштирилган тарзда тўлаш йўлга қўйилгани аҳоли учун катта қулайлик бўлди.

Кейинги йилларда хўжалик пудратчилари буғдойнинг «Крошка», пахтанинг АН-Боё-

(Давоми 2-бетда).

*• Вилоят ҳокимлигида*

# ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Вилоят ҳокимлигида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент вилояти ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудудий комиссия аъзолари, назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари раисларининг ўринбосарлари иштирок этишди.**

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев бошқарди.

Назорат қилувчи органлар томонидан 2005 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган текширувларни мувофиқлаштириш якунлари тўғрисида вилоят комиссияси раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Ғайрат Абдувоҳидовнинг ахбороти тингланди.

Биринчи чорак давомида хўжалик субъектлари фаолиятини текширишни тартибга солиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижроси юзасидан ҳудудий комиссиялар томонидан чорак давомида 60 та мониторинг ўтказилди.

Вилоят ҳудудида амалий фаолият юритаётган хўжалик субъектларида назорат идоралари томонидан 1413 та текширишлар режалаштирилиб, чорак давомида 1645 та ўтказилган. Уларнинг 272 таси режадан ташқари ташкил этилган. Бундай текширишларнинг аксарияти давлат солиқ идоралари, ички ишлар бошқармаси, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси томонидан амалга оширилган.

Бу текширувларнинг 1436 тасида камчилик ва хатолар аниқланди ва айбдорларга 697 миллион 982,6 минг сўм иқтисодий жазо чоралари қўлланиб, бюджетга 223 миллион 151,1 минг сўм ундирилди.

Вилоят бўйича ўтказилган текширувлар сони 2004 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 287 тага камайтирилганлигига қарамай, айрим назорат идораларида текширишларнинг ўсишига йўл қўйилган. Шуни таъкидлаш лозимки, айрим назорат идоралари текширишларни тасдиқланган режа жадвали бўйича белгиланган муддатларда амалга оширмаганлар.

Шунингдек, йиғилишда Ўртачирчиқ туман ҳудудий комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди.

Йиғилиш кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

**Бекобод туманининг Зафар қўрғонида хусусий тадбиркор Гулзода Пўлатованинг ташаббуси билан тикувчилик цехи ишга тушди.**

# ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ БИЛАН

Бу ерда махсус иш коржомалари тикилиб, мижозларга етказилади. Шаҳобчада 16 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Уларнинг илк буюртмаси пахта йиғим-терими мавсумига қадар 40 минг дона этак тикишдир. Бундан ташқари, цех билан ёнма-ён беш хил йўналишда таълим берувчи ўқув маркази ҳам фаолият кўрсата бошлади. Хоҳловчилар инглиз тили, тикувчилик, сартарошлик, турли ширинликлар пишириш ҳамда компьютер саводхонлиги бўйича кафолатли билим олишлари мумкин.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

# ТУМАН БОСҚИЧИ ҒОЛИБИ

**Қуйичирчиқ туманида устоз педагоглар ўртасида «Йил ўқитувчиси – 2005» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.**

Унда 11-мактабнинг тил ва адабиёт муаллими Зиёда Қодирбоева энг юқори кўрсаткични қўлга киритди.

Ўз билим ва педагогик салоҳияти билан яхши танилган бу зиёкор кўрик-танловнинг вилоят босқичида туман шарафини ҳимоя қилишга йўлланма олди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

# ҒУРУРИМИЗ, ЭЪТИҚОДИМИЗ БОР

**Тинч ва осуда юртдагина тараққиёт олға силжийди, бунёдкорлик, ободончилик ишлари ривожланади. Мен жонажон Ўзбекистонимизни мана шундай ўзи танлаган йўлдан илдам бораётган, Яратганнинг назари тушган жаннатмакон ўлка деб биламан. Бир ҳовуч газандаларнинг Ватанимиздаги бу осудаликка тажовуз қилмоқчи бўлаётганлари манқуртликдан бошқа нарса эмас.**

Андижон вилоятида рўй берган хунук воқеалар барча юртдошларим қатори мени ҳам ғазаблантирди, бузғунчиларга нисбатан нафрат ўти алангаланди. Хориждаги раҳнамолар ёрдамига таяниб, ўз юрти, ўз халқига қўл кўтариб, элнинг нафратига дучор бўлган кимсалар ҳеч қачон кўкармаган. Бегуноҳ кишиларнинг тўкилган қони, етим қолган норасидалар, фарзандидан айрилганлар, муштипар оналарнинг нолалари уларни тинч қўймаслиги муқаррар.

Она юрт, бағрикенг эл, шу озод Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш ҳар бир фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарз деб биламан. Андижонда бегуноҳ қон тўкилишига сабаб бўлганларнинг эса мақсадлари ойдек равшан. Турли ниқоблар остида ҳокимиятга эришиш, ўзларининг ёвуз ниятларига етишдир. Аммо, улар бунга эришолмайдилар.

Бизнинг ўз ғуруримиз, эътиқодимиз бор. Тўғри йўлдан бизни энди ҳеч ким оғдира олмайди.

**Умарали АБДУРАСУЛОВ,**
**Бўка тумани, пайвандчи.**

**Андижондаги машъум воқеалардан ларзага келдим. Юртбошимиз айтганидек, бу воқеалар бизни кўпроқ ўйлашга, мулоҳазалар юритишга ундайди.**

# ФАРЗАНДЛАР ИСТИҚБОЛИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Халқимиз дунёда тинчликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Ҳаттоки, ўтганлар руҳини ёд этиб, дастурхонга фотиҳа ўқиганда ҳам «юртимизда тинчлик-омонлик бўлсин» деб алоҳида сўз айтилади. Одамларнинг тилакларида «қушнинг ҳам уяси бузилмасин» деган улуғ бир ният ётади.

Тинчлик бўлсин! Шу сўзларнинг ифодасини аввало, оилангиздан, хонадонингиздан бошланг. Ҳамма нарсангиз етарли, еб-ичишдан камингиз йўқ. Лекин фарзандларингиздан бири нобоп чиқди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати сизга иснод келтиради. Элнинг олдида юзингизни ерга қаратади. Уйингизга ички ишлар ходими, маҳалла оқсоқоли ёки жабрланган одам келиб фарзандингизнинг қилмиш-қидирмишини сизга айтаверади. Хўш, бу гап-сўзлардан, таъна-дашномлардан уйингизда қандай тинчлик бўлиши мумкин?! Бир пиёла чойни қандай ҳаловат билан ичасиз, дастурхон атрофида қандай ёзилиб ўтирасиз? Топган бойлигингиз, орттирган обрў-эътиборингиз татийдими?

Нақадар оғир бу саволлар? Шунинг учун ҳам тинчликка, осойишталикка етадиган нарса йўқ дунёда.

Ҳаёт экан-да, фарзанди адашганлар сафига кириб, террорчилик ҳаракатларида ёш жонидан жудо бўлган бир ота (исмини эслаб яна бир зарба бермайин дедим) билан суҳбатлашганимда, у шундай деган эди:

— Боламнинг нотўғри йўлга кириб кетганини билган кунимиздан то бугунги кунгача оиламизда тинчлик йўқ деб тушунаверинг, ука. Унинг ўлими ҳам оиламизга тинчлик олиб келгани йўқ. Элнинг ғазабига учраган одамдек, елкамни қисиб яшаяпман. Халқига қўл кўтарганлар сафида кетган бу ўғлимнинг иснодини билмадим, яна неча авлодимга ўтаркан? Ахир бу боламни еб-ичишдан, кийим-кечакдан, юриш-туришдан кам қилмадим. Ўзим емай едирдим, ўзим киймай кийдирдим. Онгини заҳарлайдиганлар олдига қандай бориб қолди, бу мен учун энди умрбод сир бўлиб қолди. Фарзандингизни минг мўмин-қобил, одобли ва оқ-қорани танийдиган қилиб ўстирманг, ёмоннинг қўлига тушиб қолса, бари бекор экан. Шунинг учун ёмонларнинг тухумини қуритиш керак, уларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак.

Мен отанинг бу юрак нидосини тушунаман. Зеро, ота учун бу дунёда энг оғир зарба — фарзандининг қилмиш-қидирмишидир, унинг ноқобиллигидир.

Мана энди, уйингизда бўлмаган тинчликнинг юртингизда бўлмаслигини бир тасаввур қилинг. Ҳеч ким бир кунда бой бўлиб қолмаган, ҳеч ким ниятига уч кунда етмаган. Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати, куни ва йили бор. Унга етиш учун меҳнат ва интилиш керак, ҳамжиҳатлик ва тинчлик керак!

Юртимизда жуда катта ижобий жараён кетаяпти, жуда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. «Мусулмончилик ҳам аста-секин» деганларидек фаровонлик уйининг пойдеворига биттама-битта ғишт қўяяпмиз. Бугунги йўғимизни эртадан топаяпмиз, эртаникини эса индинда кўраяпмиз. Ҳеч ким оч қолгани йўқ, ҳеч ким яланғоч юргани йўқ! Тўғри, камчиликлар, ечилмаган муаммолар бор. Бу табиий. Ҳаёт давом этар экан бирда ундай, бирда бундай бўлади. Энг асосийси, халқимизда интилиш бор, ният бор, орзу бор! Интилган одамнинг оти йўлда қолганини ким кўрган, интилганнинг тоққа чиқмаганини ким кўрган? Йўқ, интилганга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлган, ўзи қўллаб-қувватлаган.

Тадбиркор дўстим Ҳусниддин шундай дейди:

— Менинг отам саксон ёшни қоралади, шамчироқда ўтирган кунларини, қуруқ нон еб, патефон тинглаганларини, қора қозонда ўт қайнатганларини айтиб ўтиради. Худога шукур, менинг ҳам ёшим 50 дан ўтди. Рўзғорим бут, уйимда газ, сувдан тортиб рангли телевизорим-у қўл телефонимгача бор. Отам кечирган ҳаётдан юз баробар яхши яшаяпман. Ишонаман, вақти келиб менинг болам мендан минг баробар яхши яшайди. Бунга вақт керак, бунга тинчлик керак!

Кейинги пайтларда ёшларимиз ундай бўлиши, бундай бўлиши керак дегувчилар кўпайди. Улар маслаҳат бериш осон, уни амалга ошириш йўллари қийинлигини ўйлаб кўрмайдилар, баъзан. Биз бугунги кунда биринчи навбатда оила тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиз керак. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, бола аввало, уйда ёвузликни, ноҳақликни ва қаҳр-ғазабни кўрмасин. Ота-онани улуғ билиб, уларнинг юзини ерга қаратиш катта кечирилмас хато эканлигига имон келтирсин. Ахир бизнинг яшаш тарзимиз шундай-ку. Қайси ўзбек боласи отасига терс қараган? Бу қадимий шарқона ҳулқи-одобимизни унутиб, ўз элига қарши қўл кўтарганни ким деб аташ мумкин?

Халқимиз истиқболга ишонч билан яшаяпти, болаларининг келажагини ўйлаяпти. Бунинг учун эса тинчлик керак!

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

*• «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар*

# «ЭЪТИБОРСИЗЛИК»

**Газетанинг шу йил 20 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Бўка тумани маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларида, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгаши ва айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятидаги юзакичилик, расмиятчилик, эътиборсизлик танқид қилинганди.**

Таҳририят шу мақола юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Абдуллаев имзоси билан расмий жавоб олди.

«Эътиборсизлик» сарлавҳали мақола йиғилишда кўриб чиқилди, — дейилади жавоб хатида. — Газетада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлиги назорат гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ишини ўрганиб, газетада танқид қилинган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

«Маҳалла» жамғармаси туман кенгашининг раиси Т. Ҳамроқулованинг ишда йўл қўйган камчиликлари жамғарма вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилганлиги ва у огоҳлантирилганлиги эътибор учун қабул қилинди».

*2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

**2005 йил – «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан таҳририятга шу мавзуда келаётган хатлар оқими кучайди. Айрим фуқаролар баъзи шифокорларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараётганидан куюниб ёзсалар, айримлари ўз дардларига малҳам бўлгани учун шифокорга миннатдорчилик билдирадилар. Сиҳат-саломатлик йилининг мазмун-моҳияти ва мақсад-вазифаларини тушунган, теран англаб етган юртдошларимиз эса қамровни кенгроқ олиб, шахсий фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан ўртоқлашмоқдалар. Қуйида шу мавзудаги мактублар билан танишасиз.**

## МОҲИЯТИНИ АНГЛАМОҚ ЛОЗИМ

**Йил бошида шундай гаплар қулоққа чалинди. «Сиҳат-саломатлик йили»да шифокорларнинг куни туғармиш». Менимча, бу – масаланинг моҳиятини тушунмаслик оқибати.**

Аслида «Сиҳат-саломатлик йили» нафақат шифокорлар, балки бутун жамоатчилик амалга ошириши керак бўлган вазифаларни ўз ичига олади. Яъни инсон саломатлигини тиклашдан тортиб, кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида спортни ривожлантириш, атроф-муҳит орасталигига эришиш, соғликка путур етказувчи иллатлардан қутулиш каби масалалар фақат шифокор зиммасидаги вазифа эмас.

Бу йилнинг моҳиятини англаб олмоқ лозим. Шундагина «Сиҳат-саломатлик йили» ва шу мақсадда тузилган Давлат дастурини тўлиқ бажаришга эришиш мумкин.

**Башорат ЖАББОРОВА,**
**Зангиота тумани,**
**ўқитувчи.**

## КАМҲАРАКАТЛИЛИК – УМРНИНГ ЗАВОЛИ

**Кексаларнинг айтишича, илгари одамлар жуда кам касал бўлишаркан. Бунинг асосий сабаби уларнинг серҳаракат бўлганидадир. Баъзан от-улов топилмаса, 10-15 чақиримга ҳам пиёда кетаверишган, юришдан эринишмаган.**

Шунингдек, ўша пайтда кундалик ҳаётдаги қўл меҳнатининг кўплиги ҳам киши саломатлигига ижобий таъсир кўрсатган. Натижада кишидаги қон айланиш тизими фаолияти яхшиланиб, ҳар қандай хасталикни енгиб ўтган.

Хўш, ҳозирги кунда-чи? Бир қадам жойга ҳам транспортдан фойдаланамиз. Ижтимоий ҳаётимиздаги барча юмушларни техника бажаради. Хусусан, кафтдек ерга экин экмоқчи бўлсак ҳам, тракторни ишга соламиз, аёлларимизга эса кир ювиш машинаси тайёр дастёр...

Бундай камҳаракатлик натижасида томирлардаги қон қуюқлашади ва айланиш тизими фаолияти бузилади. Баъзан эса киши ҳаракат сустлиги натижасида семириб кетади. Бу ҳам инсон саломатлигига зиён.

**Наби СОЛИЕВ,**
**терапевт.**

## БУЛАР ШУНЧАКИ ЎЙИН ЭМАС

**Бугун ҳаётимизни компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. Бироқ ундан тўғри ва меъёрида фойдаланиш талаб этилади.**

Тунов куни шаҳарга тушган эдим. Пештоқига «Интернет кафе» деб ёзиб қўйилган бир жойда болалар компьютерда турли ўйинлар билан банд. Кимдир автомобиль пойгаси, яна кимдир икки паҳлавон жангига маҳлиё. Хуллас, барчанинг икки кўзи экранда.

Орадан икки соат вақт ўтгандан сўнг шу жойдан қайтиб ўтганимда ҳам худди ўша болалар ўринларидан жилмаган, ўйин билан овора эдилар. Ўйлаб қолдим, компьютернинг инсон саломатлигига зарари бор, деб эшитганман. Бу болалар эса соатлаб унинг олдида ўтирсалар, эртага бирон-бир хасталикка йўлиқмасмикинлар...

Илгари биз севган халқ ўйинлари тобора унутилиб бораётгандек туюлади менга. Масалан, бизнинг болалик пайтларимизда чиллак, ланка тепиш, қувлашмачоқ ва бошқа шунга ўхшаш ўйинлар бўлар эди. Ота-оналаримизу бува-бувиларимиз шундай ўйинларни кўп ўйнашимиз кераклигини, шунда пайларимиз бақувват бўлишини уқтиришарди. Кун бўйи тиним билмай елиб-югуриб, кечқурун мириқиб ухлардик. Тонгда эса тиниқиб уйғонардик.

Тўғри, ҳозир болалар спортига эътибор кучаймоқда. Бироқ, ҳар доим ҳам бир маромда спорт билан шуғулланишнинг имкони бўлавермайди. Бундай ҳолларда ана шундай миллий ўйинларни қайта оммалаштириш, унинг фойдали томонларини болаларимиз онгига сингдириш фойдадан ҳоли бўлмасди, деб ўйлайман.

**Карим НАБИЕВ,**
**Қуйичирчиқ тумани, монтёр.**

## АСАБ ТОЛАЛАРИ ҚАЙТА ТИКЛАНМАЙДИ

**Тажрибали шифокорларнинг айтишига қараганда, мия фаолияти билан боғлиқ ва бошқа хасталиклар асабийлашиш оқибатида келиб чиқар экан.**

Мен ёшлигимдан инжиқ бўлиб ўсганман. Бу камчилигим кейинчалик қайсарликка айланди. Арзимаган нарса учун ҳам жаҳлим чиқиб, асабим бузиладиган бўлиб қолди. Охир оқибат хафақон хасталигини орттириб олдим.

Шифокорлар асаб фаолиятининг бузилиши бунданда оғир хасталикларни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлашади. Энг асосийси, асаб толалари қайта тикланмас эмиш. Шунинг учун уни асраш керак.

**Мунира САЛИМОВА, Паркент тумани, тикувчи.**

**Яқинда баданимнинг беш-олти жойига «темиратки» деган яра тошди. Шифокорларга учрашдим, фойдаси бўлмади. Бир танишим бунинг жуда оддий давосини билар экан.**

## ГАЗЕТАДАН ШИФО ТОПДИМ

Яъни газета қоғозидан чиқадиган ёғ суртилса, киши баданига қайтиб бундай яра чиқмас экан. Худди шундай қилдим. Сифатсиз қоғозга босилган газеталардан бирини олдимда, карнай шаклида букладим ва косага қўйиб, ёқдим. Ёниб бўлгач, идишда қолдиқ ёғ пайдо бўлди. Уни ярамга суртдим. Бир ҳафта шу малҳамни қўллаган эдим, тошмадан асар ҳам қолмади.

**Раҳим ЁРОВ,**
**Тошкент шаҳри, талаба.**

### *Мутахассис изоҳи*

Халқ табобатида бундай даво усуллари жуда кўп. Бироқ ҳаммаси ҳам ижобий самара беравермайди. Аксинча, айримлари салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Агар сизнинг терингиз тошмаларга мойил бўлса, кутган натижангизнинг акси бўлиши мумкин. Яра зўрайиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун бундай воситаларни қўллашдан кўра шифокорга мурожаат қилганингиз яхшироқ.

**Нодира ҚАЮМОВА,**
**тери касалликлари шифокори.**

**Материалларни**
**Равшан ЁҚУБЖОНОВ**
**тайёрлади.**

## БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

**Оналари соғлом, болалари бақувват ва бардам юртнинг эртаси нурафшон, келажаги эса буюк бўлади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор, катта аҳамият билан қаралмоқда. Бу борада кенг қамровли, диққатга сазовор ишлар амалга оширияпти.**

Яқинда металлурглар шаҳри Бекободда бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. «Металлург» профилакторийсига кириб борган «Отайўл» автобусидан боғча болалари тарбиячилари билан тушдиларда, ичкарига кира бошладилар. Аввалига саёҳатга келишгандир, деган хаёлга бордик. Аммо, янглишган эканмиз.

— Кичкинтойларимиз муолажа олишга, саломатликларини мустаҳкамлашга келишди, — деди профилакторий бош шифокори Муборакхон Каттахўжаева, — «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб-чиқариш бирлашмаси тасарруфида 10 та боғча бор. Унда металлургларнинг 3 мингдан зиёд фарзандлари тарбияланади. Уларнинг барчаси малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Ана ўша пайтда айрим болаларда шамоллаш, камқонлик, томоқ оғриғи ва бошқа турли хасталиклар борлиги аён бўлди.

Комбинат бошқаруви, касаба қўмитаси «Сиҳат-саломатлик йили»да кичкинтойлар саломатлигини мустаҳкамлашни устувор, кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири, деб ҳисобламоқда. Шу сабаб профилакторий эшиги корхона ишчи-хизматчиларининг дилбандлари учун ҳамиша очиқ. Даволаш учун барча сарф-харажатларни комбинат ўз зиммасига олган.

Дарҳақиқат, кичкинтойларнинг яйраб ўсишлари учун тўла-тўкис шароитлар яратиб берилмоқда. Сиҳатгоҳда барча зарур дори-дамонлар мавжуд. Доривор ўсимликлар, турли ўт-ўланлардан шифобахш шарбатлар тайёрланаяпти. Пировард натижада эса, диспансер рўйхатида турган болалар соғлиги ижобий тарафга ўзгаряпти.

**Турсунали УСМОНОВ.**



*СУРАТДА: шифокор Муборакхон Каттахўжаева навбатдаги кичкинтой соғлиғини текширмоқда.*

**Муаллиф олган сурат.**

## «САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ»

**Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари мактаб ўқувчиларининг «Саломатликнинг ёш дўстлари» XXVI анъанавий слёти бўлиб ўтди. Қизил Ярим Ой жамиятининг вилоят кенгаши, вилоят фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, халқ таълими бошқармалари унинг ташкилотчилари бўлишди.**

Бу тадбирни ўтказишдан мақсад мактаб ўқувчисининг фавқулодда вазиятларда ёки бирор бахтсиз ҳодиса туфайли шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмасига эга бўлишини таъминлашдир.

Слётда ўқувчилар билиши зарур бўлган асосий шартлар — биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, жарроҳлик муолажаларига кўмаклаша билиш, юқумли касалликлардан сақланиш, доривор ўсимликлардан фойдаланиш, фавқулодда вазиятлар чоғида ўзига ва атрофдагиларга ёрдам бериш, йўл ҳаракати қоидаларини ўзлаштириш, жамият тарихи ҳамда унинг вазифаларидан воқиф бўлишдан иборатдир.

Шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган танловларда ғолиб чиқиб, вилоят босқичига йўлланма олган 14 та гуруҳ юқоридаги шартлар бўйича кўрик-танловда ўз билим ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

– Кўрик-танловимизни йилдан-йилга такомиллаштириб, унинг самарадорлигига катта эътибор қаратишга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди Қизил Ярим Ой жамияти вилоят кенгашининг раисаси Муфарраҳ Каримова. – «Сиҳат-саломатлик йили»да ўтаётган бу тадбир олдинги йиллардагига нисбатан бирмунча фарқ қилади. Ўйлайманки, ҳар бир ўқувчи хавфсизлик асосларидан қанчалик хабардор бўлса, бу шубҳасиз, уларнинг кейинги ҳаётида асқотади.

Якуний натижаларга кўра, кўрик-танловга яхши тайёргарлик кўрган Пскент туманидаги 5-мактабнинг «Нажоткор» гуруҳи ғолиб деб топилди. Ўртачирчиқ туманидаги 72-мактабнинг «Нажот» ва Юқоричирчиқ туманидаги 34-мактабнинг «Меҳрибонлик» гуруҳлари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиблар ва бошқа иштирокчиларга Қизил Ярим Ой жамияти вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Азамат СУЮНОВ.**

## Olamda nima gap?

### РОССИЯ:
### ШУБҲА ТУФАЙЛИ





Архангельскдаги болалар вилоят шифохонасига симобдан заҳарланган деган шубҳа билан икки кун мобайнида 11 дан 14 ёшгача бўлган ўн етти нафар бола жойлаштирилди. Беморларнинг аҳволи хатарли эмас: уларнинг фақат иккитасидагина иситма ва заҳарланишнинг аниқ аломатлари бор. Бу ерда жами 24 бола текширувдан ўтди.

### ИСРОИЛ:
### ТАЖОВУЗКОРЛАР ҲИБСДА



Умум хавфсизлик хизмати (ШАБАК) ва полиция Эҳром тоғида террорчилик хуружига ҳозирлик кўраётганлиги тахмин қилинган яҳудий радикалларининг икки гуруҳини ҳибсга олди. Махсус хизмат вакиллари фитначилар Эҳром тоғи устида портлатгичлар ортилган ва радио орқали бошқариладиган самолётни портлатиш ниятида бўлганликларини таъкидлашмоқда.

### ЭРОН:
### «PAYKAN» ЭНДИ ЧИҚМАЯПТИ



Турли моделлари Эрондаги мавжуд жами автомобилларнинг қирқ фоизини ташкил этувчи маҳаллий «Paykan» автомобилини ишлаб чиқариш тўхтатилди. 1967 йилдан бери конвейердан чиққан 2,2 миллион машина ҳавони ифлослантирувчи асосий манба ҳисобланади, қолаверса, бу моделлар ҳар 100 километрга деярли 20 литр бензин сарфлайди.

### БАЛИҚЧИ КЎМАГИ АСҚОТДИ



Нью-Жерси штатидаги Атлантик-Сити шаҳри аэропортида қўнишга чоғланган хусусий самолёт учиш-қўниш йўлкасида мувозанатини сақлолмай, денгизга қулади. Charlie Cessna Citation C-25 A самолёти бортида тўрт киши бор эди. Улар жароҳатланганига қарамай, омон қолишди. Моторли қайиқда балиқ овига отланган шу ерлик бир кимсанинг ёрдами қулаганларга асқотди.

*Бугун — Халқаро музейлар куни*

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ ФАХРИМИЗ

**Пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейида 18 май — Халқаро музейлар кунига бағишланган «Аждодларимиз мероси» мавзуида семинар-кенгаш ўтказилди.**

Анжуманда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардан келган музей раҳбарлари иштирок этди.

Семинар-кенгашни Маданият ва спорт ишлари вазири Алишер Азизхўжаев очиб, музей фаолиятини ривожлантиришда долзарб бўлиб турган масалалар хусусида гапирди.

— Тарихимиз, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳақида кўп ва хўб гапиришни ўрганиб олдик, — деди маърузачи. — Музейларда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида яхши маълумотлар бор. Муваффақиятлар ўзимизники, кўпроқ муаммолар, ечимини кутаётган масалалар хусусида гапирсак фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман. Музей ходими фидойи бўлиш билан бирга иймонли бўлиши ҳам зарур. Вилоят ва туман музейларида сақланаётган санъат асарлари, маънавий бойликларни келажак авлодга бус-бутун етказишда эътиборсизлик ва лоқайдликка жим қараб турмаслик лозим.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ.**
**«Туркистон-пресс».**

*Маънавиятимиз сарчашмалари*

## КЎҲНА ИЛОҚ МАНЗИЛЛАРИ

**Илоқнинг тарихий ҳудуди жануб томондан Қурама, Мўғултоғ ва Қорамозор тизмалари орқали ҳозирги Бекобод шаҳригача, ғарб томондан Сирдарё билан, шимол томондан Чирчиқ дарёси ва Чотқол тизмаси, шарқдан Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари ва Қамчиқ довони билан чегараланган.**

Оҳангарон воҳасининг жуда қадим замонларда қандай ном билан юритилганлиги маълум эмас. Чоч-Илоқ воҳасининг номи форсий қўлёзмалар орасида илк бор Эрон шоҳи Шопур I Сосоний эрамизнинг 262 йилида ёздирган «Заратуштра каабаси» асарида учрайди. Рус матншунослари арабчадан таржима қилиб, нашр этган Ал-Истаҳрийнинг «Китоб ал-масолик ва ал-мамолик» (XI аср), Ал-Муқаддасийнинг «Аҳсан ат-тақосим» (XI аср) ва муаллифи номаълум «Ҳудуд ал-олам» (XI аср) асарларида бу ернинг номи Илоқ деб, дарё эса Илоқдарё деб кўрсатилган. Илоқ сўзининг маъноси ҳақида таниқли топонимшунос С. Қораев шундай ёзган: «Оҳангарон воҳаси қадимдан Илоқ ёки Айлоқ деб атаб келинган. Араб ёзувида бу хил сўзлар бир хил ёзилаверади. Биз буни Айлоқ деб ўқидик. Айлоқ сўзи яйлоқ, яъни «ёзги яйлов» демакдир. Шунга ўхшаш фикрни М. Е. Массон ҳам билдирган: «Остатком города Илак именуют пожилые курамынцы и обширные развалины у кишлака «Сарзяйлак» («Джайлаунинг баши»). В. В. Бартольд XII асрда форс тилида ёзилган муаллифи номаълум қўлёзмадан шундай маълумотни келтиради: «Туркийларнинг бобоаждоди Туркнинг Тутэл, Чигил, Барсхон ва Илоқ деган тўртта ўғли бўлган. Чигил ва Барсхон ўғузлари Иссиққўлнинг жанубий-шарқий ҳудудларига, Илоқнинг авлодлари эса ҳозирги Оҳангарон воҳасига келиб ўрнашади». Илоқ атамасининг генезиси масаласида, бизнингча, С. Қораев эмас, В. В. Бартольд ҳақ.

Илоқ сўзи тарихий ҳужжатларда илк бор Кангюй турк давлатига қарашли ҳудуд сифатида тилга олинади. Унга қадар бу ерни кезиб чиққан грек ва хитой сайёҳларининг асарларида Илоқ атамаси учрамайди. Илоқ номи барча тарихий манбаларда кончилик ва металлургия билан боғлиқ равишда қайд этилади. Илоқ аҳолисининг бу фаолияти VI-VII асрларда бу ерда туркийларнинг кескин кўпайиши билан боғлиқ. Зотан, Турк ҳоқонлиги даврида, аниқроғи, VI асрдан бошлаб, Олтой тоғларида жужан ҳоқонларининг ҳарбий эҳтиёжлари учун кўп миқдорда темир қазиб чиқариш йўлга қўйилган. Темир кўчманчи туркийлар учун фаровон ўлкаларни забт этишнинг асосий воситасига айланган. Шу боисдан уларнинг оғзаки ижодида бу металлнинг қудрати ва имкониятлари илоҳийлаштирилган афсоналар пайдо бўлган.

Илоқ ҳудудида қадимги манзиллар ниҳоятда кўп. Шарқдан ғарбга йўналиш бўйича кузатадиган бўлсак, Илоқнинг шарқий қисмидаги қадимий манзил денгиз сатҳидан камида уч ярим минг метр баландликда жойлашган Арашонтепа археологик масканидир. Сал тепароқда Арашонбува архитектура ёдгорлиги ва унинг этагида шифобахш радонли иссиқ сув булоғи мавжуд. Бу масканга республикамизнинг турли жойларидан даво истаб келувчилар шу тепаликда қадимги одамлар яшаганлигига ишонмасликлари мумкин. Лекин бу манзил 30-20 минг йил аввал Тетес денгизидан қолган кўлнинг шимолий кунгай ва серўт қирғоғи бўлганлигини ҳамма ҳам тасаввур қилолмайди, албатта. Хуллас, мана шу Арашонтепа манзили Илоқнинг ибтидоий одамлар яшаган энг баланд қисми бўлган. Шундай манзиллар қатори Илоқдарёнинг сўл қирғоғи бўйлаб Навгарзансойнинг ушбу дарёга қуйилиш жойидаги номсиз тепалик, Лояксойдаги қадимги кончилар колонияси, Гўштсойнинг тепа қисмидаги кўҳна карвонсарой, ўрта қисмидаги Кўчбулоқтепа, Гулдурама, Тоғберди, қуйи қисмидаги Машатбуватепа, Кандирсойнинг ўрта қисмидаги номсиз тепа, Оқтепа, Ўрғозсойнинг юқори қисмидаги Қорихона, қуйи қисмидаги Суйритепа, Олмалиқ шаҳри яқинидаги Оқтепа, Думалоқтепа, Қайсартепа, Янгиқўрғон, Суюктепа, Янгиертепа, Тўнғиздоғтепа, Жўжичўккантепа, Қўрғончи, Қоровултепа, Сафарбойтепа, Култепа, Керовчи, Чулликтепа, Пскент шаҳри атрофидаги Гўртепа, Оқтепа ва бошқа номсиз тепалар; Муротали қишлоғи атрофидаги Қўштепа, Тўрткўл, Кўлаклитепа, Бўка шаҳри атрофидаги бир неча номсиз тепалар, Қанқа яқинидаги Бобуртепа, Оқтепа ва бошқа номсиз тепалар, Элтамғали қишлоғи ёнидаги Қизжангитепа каби тарихий масканларни санаб ўтиш мумкин.

Оҳангарон дарёсидан Чирчиққача бўлган оралиқда қадимги манзиллар бундан ҳам кўп. Жумладан, Ангрен шаҳрининг шарқий қисмидаги Сарилепа, Каллаўртепа, Боқсуқтепа, шаҳарнинг ғарбий қисмидаги Гулбоғтепа, Юқори Ялпоқтепа, Кўлбулоқ, Оқтепа, Тўйтепа шаҳри атрофидаги Бойтемиштепа, Дагинтепа, Мингтепа, Еттитепа, Ериқтепа, Саритепа, Чўнгтепа ва ҳоказо тепалар мавжуд.

«Тошкент вилоятининг археологик ёдгорликлари» харитасида Шош-Илоқ воҳасидаги тўртта ибтидоий ҳаёт маконлари белгиланган. Булар: Кўлбулоқ, Керовчи билан Пскент оралиғидаги жой, Тўйтепанинг шарқий қисмидаги қадимий маскан ва Обираҳмат ғори.

Мазкур археологик картадан осори-атиқа ёдгорликлари, қадимий тангалар топилган жойлар, кўҳна мозорлар, энг қадимги конлар ва металл эритув пунктлари, ғорлар ва ибтидоий тасвирлар каби қимматли маълумотлар ўрин олган. Унинг замонавий харитадан ажралиб турувчи яна бир жиҳати шундаки, Оҳангарон дарёсининг ўнг ва сўл қирғоғидаги қадимий ўзан ёки каналлар ҳам акс эттирилган. Чунончи, сўл қирғоқда ҳозир суви ни бевосита Оҳангарон дарёсига қуяётган Сегенаксой, Кандирсой, Овжазсой, Тошариқсой, Шовғозсой, Каттасой ва Совуқбулоқсой ҳозирги Сусам қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сойғзи қишлоғидан Қуюн қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қизилсой (Қўштут) қишлоғигача қадар чўзилган 20-25 километр масофадаги кўндаланг канал билан туташган. Хотинариқ деб номланган бу канал минг йил аввал Илоқ пойтахти Тункетни ичимлик ва суғорма сув билан таъминлаган. Негаки, Тункет шаҳристони ва работи Илоқдарёдан камида 30-40 метр баландликда, Қурама тизмаси этагида жойлашган. «Хотинариқ» Қурама тизмаси дўнгликларининг қуйи қисмидан табиий нишаб оқим билан Тункетга сув етказган. У йўлйўлакай ҳозирги Оҳангарон туманининг С. Раҳимов номли ва «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларининг адирларини суғорган, боғдорчилик ва шоличиликнинг ривожланишига имкон яратган. Мазкур тарихий ариқ ҳақида маҳаллий кексалар ўртасида турли ривоятлар мавжуд. Уларнинг аксариятида бу канал археологик харитадагидай Тункетгача эмас, боғ ён бағирлаб Бекобод туманининг Чаноқ (ҳозирги Ойбек) қишлоғигача етганлиги, қадимда Чаноқ ҳукмдорининг гўзал қизи «кимки юртимга ариқ қазиб сув олиб келса, ўшанга тегаман», дея шарт қўйганлиги ва Хотинариқни бир неча йилда қазиб битказган ошиқ бек йигит пировардида Навоий достонидаги Фарҳод сингари алданганлиги, қиз эса, Хўжанд шаҳзодасига текканлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Ушбу канал минг йилдан сўнг, 1980 йилда 1,5 метр чуқурлик ва 6 метр кенгликда 12 километр масофада қайта қазилиб, бетонланди. Аммо кейинчалик иш ниҳоясига етказилмай, ташлаб қўйилди.

**Исомиддин ЁРМАТОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**Тошкент вилояти давлат педагогика институти профессори.**


## Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Taraqqiyot-Arkus» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси акциядорлари диққатига!

**Ҳурматли акциядорлар, 2004 йилги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича акциядорлар умумий йиғилиши 2005 йил 17 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Буюк Ипак йўли кўчаси, 38-уйда ўтказилишини маълум қиламиз.**

**Кун тартиби:**

1. 2004 йилги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича «Taraqqiyot-Arkus» ОАЖ КК бошқарув органининг ҳисоботи ва 2004 йилга мўлжалланган бизнес-режанинг бажарилишини тасдиқлаш.
2. 2004 йилги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича «Taraqqiyot-Arkus» ОАЖ ККнинг баланс ҳисоботини тасдиқлаш, кўрилган фойда ва зарарни тасдиқлаш ва дивиденд тўлашни тасдиқлаш.
3. Аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. 2005 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
5. Жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтиришни тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни сайлаш.
7. Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни сайлаш.
8. Бошқарув органи аъзолигига номзодларни сайлаш.
9. Жамиятнинг ички низомларини тасдиқлаш.
   — тафтиш комиссияси тўғрисида
   — жамият бошқаруви органи тўғрисида
   — Кузатув кенгаши тўғрисида
10. 2005 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.

**Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун реестр 2005 йилнинг 18 май куни ҳолатига ёпилган. Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 68-64-00, 68-75-53.**

**Кузатув кенгаши.**

